



ЎЗБЕКISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 13-mart • Shanba • 30 (30.150) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: устувор вазифалар



Янги давр янги вазифаларни қўймоқда

2010 йил 11 март куни
Тошкент шаҳрида Ўзбекистон
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгашининг II пленуми
бўлиб ўтди.

Ҳаётимиз ўзгариб, янгиланиб бормоқда, шундан келиб чиқиб сиёсий партиялар олдига ҳам янги вазифалар қўйилмоқда. Сиёсий куч сифатида жамият олдидagi ўз вазифасини чин маънода бажариш қатъий талаб этилмоқда. Зеро, бусиз мамлакатни демократик модернизациялаш, давлат бошқарувини янгилаш, жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ҳақида гапирининг ўзи ортиқчадир. ЎзХДП Марказий Кенгашининг II пленумида бу борада батафсил фикр алмашилди.

2-бет >>>

КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР, СУСТКАШЛИК ВА ЎЗИБЎЛАРЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРМАСДАН ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИША ОЛМАЙМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий
Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати Латиф Фуломовнинг партия
Марказий Кенгаши II пленумидаги
маърузаси баёни



Пленум бугун ҳаёт шиддат билан тараққий этиб бораётган даврда партия олдига турган энг муҳим вазифаларни муҳокама қилди. Бу ҳақда тўхталар экан, ЎзХДП етакчиси Л.Фуломов аввало 2009 йилда бўлиб ўтган сайлов биз учун жиддий сиёсий имтиҳон бўлганини таъкидлади.

Мазкур жараён илк бор фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Сиёсий кучлар номзодлари ўртасида кескин рақобат кузатилди. Сайлов натижаларига кўра, партияимиз барча даражалардаги вакиллик органларида депутатлик бирлашмаларини ташкил этиш етарли ваколатни қўлга киритди. Парламент ва депутатлик фаолияти воситасида дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун салмоқли ташкилий салоҳиятга эга бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида, партиялар ўртасидаги сайлов олди кураши, Олий Мажлисимизнинг янги таркибини шакллантириш пайтида бўлиб ўтган ғоя ва дастур-

лар кураши парламентнинг кундалик фаолиятида ҳам давом этиши ва янада чуқурлашиб бориши зарурлигини, айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эриши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Пленум диққат марказидаги асосий масала ҳам, айнан ушбу вазифа, яъни Ўзбекистон ХДП сайловолди дастурий мақсадларини ҳаётга табиқ этиш ҳамда партиянинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва демократик модернизациялашнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишдаги иштирокига оид Ҳаракат дастурини қа-

бул қилишдан иборат. Партиялараро рақобат биз учун аввало партияимиз тарафдорларини, бизнинг дастурий ғоя ва устувор йўналишларимизни бошқа партияларникидан афзал деб билувчи кишилар сифини кенгайтириш учун курашдир. Партиянинг маҳаллий тузилмалари томонидан электорат орасида ташкил этилаётган тадбирлар таҳлили шунини кўрсатдики, — деди Марказий Кенгаши раиси, уларнинг аксарияти расмиётчилик учун ўтказилмоқда. Бундай тадбирларнинг мавзулари кўпинча Ўзбекистон ХДП мафқураси ва Дастурининг ўзига хос жиҳатлари, электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ эмас.

2-бет >>>

«Ниҳол» мукофоти

танловининг
саралаш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофоти истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка қорлайдиган, маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилди.

«Ниҳол» мукофотининг биринчи саралаш босқичи Республикаимиз шаҳар-туманларида жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майгача, иккинчи саралаш босқичи 15 майдан 15 июнгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида ўтказилади.

ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖАТЛАР:

1. Доимий ўқш ёки иш жойидан берилган ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган ижодий тавсифнома (электрон варианты билан);
2. Маълумотнома-объективка (электрон варианты билан);
3. Паспорт нусхаси;
4. Диплом нусхаси ёки таълим олаётган ўқув юртидан маълумотнома;
5. Таржимаи ҳоли;
6. 8 доня фотосурат (4 доня 10x15, 2 доня 3x4 ва 2 доня ижодий жараёндаги сурат);
7. Репертуар рўйхати (кўшиқ номи, матн муаллифи ва бастакори);
8. Видео (DVD) альбомлари;
9. Танловларда қатнашганлиги ҳақидаги диплом ёки сертификат нусхаси (агар бўлса);
10. Оммавий ахборот воситаларида номзод ҳақида берилган кўрсатув, эшиттиришлар ва мақолалар нусхаси (агар бўлса).

Номзодларнинг ҳужжатлари жойлардаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан қабул қилинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қонун ва амалиёт

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш, ҳаётга самарали таъбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлар яратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш истиқболларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатиди шулар ҳақида гап борди. Тадбир парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Бош прокура-

турасининг олий ўқув курслари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Мазкур қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган йиғилишда амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш, амалиётда қай даражада самара бераётганига эътиборни кучайтириш, бу борада жамоатчилик, айниқса, қонунларни қўллаётган амалиётчиларнинг фикрини ўрганиб бориш тажрибасидан кенг фойдаланиш масалалари бугунги кунда депутатлар олдига турган муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида, хусусан, жазоларни либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда қонун ҳужжатларининг сифатли ва тушунарли бўлиши катта аҳамиятга эга. Давра суҳбатиди Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.




Ғор қаърида сир-синоат бор...

Дунёдаги энг узун ғор —
Кентуккида,
Осиёдаги энг чуқур ғор —
Ургумта...



Дунё бўйлаб	13 март об-ҳавоси
Лондон	10°C
Париж	8°C
Москва	-2°C
Мадрид	11°C
Пекин	8°C
Гонгконг	26°C
Рим	13°C
Анкара	11°C
Токио	20°C
Стокгольм	0°C
Кейптаун	25°C
Қоҳира	32°C
Гавана	26°C
Вашингтон	11°C
Нью Йорк	7°C



Ўртимизда	
Тошкент	18°C
Самарқанд	17°C
Нукус	15°C
Қарши	20°C
Ўрганч	15°C
Навоий	17°C
Фарғона	16°C
Бухоро	18°C
Анджон	16°C
Наманган	16°C
Термиз	22°C
Жиззах	17°C
Сирдарё	17°C
Тошкент вил.	17°C

O'zbekiston
havo
yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар
лицензияланган

